



**«Ўзстандарт» агентлигининг сифат бўйича
эксперт-аудиторларни баҳолаш
Аттестация Кенгашининг
ҚАРОРИ**

2016 у. «27» 01 даги АТ-004-сонли

O'zDSt 5.9:2014 “Эксперт-аудиторларга Талаблар, тайёрлаш ва баҳолаш” Давлат стандартининг 10.1-бандига, “Ўзстандарт” агентлигининг 2016 йил 19 январдаги ИН-275-сонли Қарорига ҳамда “Excel Expert Group” МЧЖ менежмент тизимларини сертификатлаштириш идорасида ўтказилган инспекция назорати давомида аниқланган камчиликларга асосан Аттестация Кенгаши қарор қилади:

1. “Excel Expert Group” МЧЖ нинг менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси раҳбари Ш.Абсаламовнинг (2012 йил 10 январда давлат реестрига UZ.SMT.08.SMI.406 билан рўйхатга олинган) эксперт-аудиторлик унвони бекор қилинсин.

2. Аттестация Кенгаши котиби (У.Хакимов)га:

Ш.Абсаламов эксперт-аудиторларнинг Давлат реестридан чиқарилсин ва ушбу қарор билан юқорида номи кўрсатилган мутахассис 1 кунлик муддат ичида таништирилсин;

ушбу Қарор рўйхатдан ўтказилган кундан сўнг 1 кун ичида “Ўзстандарт” агентлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги техника сиёсати ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи О.Тохиров зиммасига юклансин.

**Бош директор
ўринбосари**

Ж. Мирсаидов